

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил март ойининг 28 куни жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи Х.Ибрагимходжаев, судья ёрдамчиси А.Йўлдашқўзиевнинг котиблигида, томонлардан Учкўприк тумани прокурори ёрдамчиси А.Эргашев, айбланувчи Х.Қурбонова ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Эргашев, жабрланувчи Н.Хасановларнинг иштирокида, Қурбонова Химоят Абдурашидовнага нисбатан 1-1518-2402/90-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Қурбонова Химоят Абдурашидовна (Qurbonova Ximoyat Abdurashidovna), 1986 йил 17 июль куни Учкўприк туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, уй бекаси, оиласидан ажрашган, бир нафар фарзанди бор, судланмаган, Учкўприк тумани, Мехнатобод МФЙ, Мехнатобод қишлоғи, Навбахор кўчаси, 4-уй, 17-хонадонда яшайди, мазкур иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2024 йил 14 март куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, жиноят иши бўйича жабрланувчининг ярашиш тўғрисидаги аризасини, иш материаллари билан бирга кўриб чиқиб, айбланувчи, жабрланувчини содир этилган жиноят ҳолатлари юзасидан кўрсатувларини ва томонларни фикрини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

2023 йил 22 август куни Х.Қурбоновага нисбатан жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси билан жавобгарликка тортилган бўлса-да, ўзига тайинланган жазодан тегишли хулоса чиқармасдан, такроран 2024 йил 31 январь куни соат 14:30 ларда Учкўприк тумани, Мехнатобод МФЙ, Мехнатобод қишлоғидаги яшаш хонадони олдида қўшниси Хасанов Нурмухаммад Эркинжон ўғли билан аввалдан бўлган уяли алоқа воситасини кредит тўловларини тўлаш масаласида гап таллашиб унинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаб, уни уятли сўзлар билан ҳақорат қилган.

Айбланувчи Х.Қурбонова судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, 2023 йил 22 август куни жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман суди томонидан ўзига нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси билан жавобгарликка тортилган бўлса-да, у ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, 2023 йил 31 январь куни соат 14:30ларда Учкўприк тумани, Мехнатобод МФЙ, Мехнатобод қишлоғидаги яшаш уйи олдида қўшниси Хасанов Нурмухаммад Эркинжон ўғли билан ўрталарида аввалдан бўлган уяли алоқа телефонида кредит тўловларини тўлаш масаласида гап таллашиб



жанжаллишб қолишиб, жанжал давомида кўшниси Н.Хасановни уятсиз сўзлар билан сўкиб, унинг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаб, уни уятли сўзлар билан ҳақорат қилгани, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи Н.Хасанов судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, 2023 йил 31 январь куни соат 14:30ларда Учкўприк тумани, Мехнатобод МФЙ, Мехнатобод қишлоғидаги яшаш уйи олдида кўшниси Қурбонова Химоят Абдурашидовна билан ўрталарида аввалдан бўлган уяли алоқа телефонини кредит тўловларини тўлаш масаласида гап талашиб жанжаллишб қолишиб, жанжал давомида Х.Қурбонова уни уятсиз сўзлар билан сўкиб, унинг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаб, уни уятли сўзлар билан ҳақорат қилгани, ҳозирда айбланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ярашув аризасини ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳукуқий оқибатларини тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 140-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ярашилганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига мувофиқ жабрланувчи жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумонланувчи, айбланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд тарафидан айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб тугатилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Н.Хасанов ва айбланувчи Х.Қурбонованинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Учкўприк тумани прокурори ёрдамчиси А.Эргашевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, айбланувчи Х.Қурбонованинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва иш бўйича зарар қопланганлигини, жабрланувчи ва айбланувчига бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув айбланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, Х.Қурбоновага нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топди.

Шу билан бирга, суд, жабрланувчи Н.Хасановга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтирилганлигини қайд этишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд



А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Қурбонова Химоят Абдурашидовна (Qurbonova Ximoyat Abdurashidovna)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 1-қисми билан жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан Х.Қурбонова жиний жавобгарликдан озод қилинсин ва жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатилсин.

Х.Қурбоновага нисбатан қўлланилган тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган, айбланувчи ва жабрланувчи ажрим нусхасини олган кундан бошлаб ўн кун ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргач, кассация тартибида протест билдириш ёки шикоят беришга ҳақли.

Раислик қилувчи

Х.Ибрагимходжаев

